



“Идорада ўтирсангиз,  
кунингизнинг вақтини ҳам,  
нақтини ҳам йўқотасиз...” 4-с.

Инсонларда умид қайта  
уйғонгани — **мукофотнинг  
энг каттаси берилгани!** 5-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

№59  
(2387)

2026 йил  
25 июль,  
ШАНБА

# Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

## 2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА



## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАСИ — ТАРИХИЙ ЯНГИЛАНИШНИНГ ЎН ЙИЛЛИК СОЛНОМАСИ

Президент  
Шавкат  
Мирзиёевнинг  
маҳалла тизими  
тараққиётини  
белгилаб берган  
10 та энг муҳим  
тарихий ташаббуси

Давоми 2-саҳифада.

**10** йил... Тарих нуқтаи назаридан қараганда, бу муддат арзimas фурсатдек туюлади. Бироқ шу вақт ичида бир бутун халқ фаровонлиги, мамлакат ривожини, одамлар розилигини йўлида амалга оширилган ишлар, ислохотлар сарҳисобига бир қўр назар ташланса, **бу муддат тарих силсиласида нақадар муҳим аҳамият касб этишини илғаш қийин эмас.** Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистонда юз бераётган туб ўзгаришлар бу ҳақиқатни яна бир бор исботлаётди.

Шундай одамлар бор, улар илғор ташаббуси, азму шижоати ва энг муҳими, юксак маънавий ғазилати туфайли оламшумул воқеаларга сабабчи бўлади, асрларга татигулик ишларни бошлаб беради. **Бугун юртимиз аҳли Президент Шавкат Мирзиёевнинг сазой-ҳаракатларини қўриб, кузатиб, ана шундай хулосага келади.** Эътибор беринг: қабул қилинаётган ҳар бир фармон ёки қарорда, ҳудудларга ташрифларда, маърузаларда фақат бир маслак бот-бот тилга олинади: “Халқимиз ишончини қозонишимиз, уларни рози қилишимиз лозим”. Бу бежиз таъкидланмаётди. Зеро, Ўзбекистонда янги давр шундай бошланди.

**Халқимизда: “Самимият самимийликка чорлайди”, деган гап бор. Яъни бундай ёндашув билан ҳамманинг эътиборини тортиб, қалбларни эзгуликка даъват этиш мумкин. Бугун давлатлар ўртасидаги муносабатлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳоли билан мулоқотларда ана шу самимият яққол намоён бўлаётганини кўряпмиз. Энг асосийси, янгиланишлар мамлакат тараққиёти, одамлар бахту иқболи йўлида амалга оширилмоқда.**

### БУГУНГИ СОНДА:

#### Бахтли оила сабр, муроса ва ҳурмат билан бунёд бўлади!

“Хотин-қизлар фаоли сифатида низо келиб чиққан оилаларга тез-тез киришимга тўғри келади. Келиша олмаётган эр-хотинлар орасида ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Йигитлар ҳам, қизлар ҳам жуда сабрсиз бўлиб кетган”.

4-с.

#### Ҳар бир ёшнинг қалбида пинҳона иқтидор бор...

Иқтидорсиз ёш бўлмайти. Баъзан гап иқтидорнинг йўқлигида эмас, уни вақтида кўра олмасликда. Ўзига ишонмаган, йўлини тополмай юрган ёки хорижда кун кўриш илинжида юрган ёшларнинг ҳам ичида катта салоҳият яширинган бўлади. Фақат ўша учқунни алангалатадиган бир инсон, бир имкон керак.

5-с.

#### Камбағаллик ҳукм эмас, меҳнат билан барчасини ўзгартирса бўлади

Бир қарашда пул ҳаётимизда унчалик катта аҳамият касб этмайдиган, шунчаки кундалик харажатлар учун керакли воситадек туюлади. Ўзига тўқ ва топиш-тутиши яхши оила вакилларида худди шундай. Лекин...

6-с.

#### Баъзан эшик ортида бой берилган имкониятлар ётади

“Маҳаллага чиққанимда кўлимдаги рўйхатдан кўра, одамларнинг турмушига кўпроқ эътибор бераман. Чунки баъзан солиқ ҳисоботида муаммо кўринмайди, аммо хонадон эшиги ортида бутун бир оиланинг бой берган имконияти яширинган бўлади”.

7-с.

Бизни ижтимоий  
тармоқларда  
кузатиңг!

@mahalla\_raislari  
@mahalladosh\_1  
@mahalladosh



6-САҲИФА

### УМР ЁЛҒИЗЛИК СОЯСИ ЭМАС, МЕҲР-ОҚИБАТ НУРИ БИЛАН ЧАРОҒОН

“Келинлар кўзғолони” фильми ёдингиздадир, катта оила, ака-укаларнинг бир том остидаги жўшқин ва қизиқарли ҳаёти барчамизда катта таассурот қолдирган. Тўғри, кўпчилик бу ҳолатга танқидий назар билан қараши мумкин. Лекин масаланинг сабоқ оладиган жиҳатлари ҳам жуда кўп.



# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАСИ — ЎН ЙИЛЛИК

## МАҲАЛЛА ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида бошланган Янги Ўзбекистон ислохотлари даврида мамлакат ҳаётининг деярли барча соҳалари каби маҳалла институти ҳам мутлақо янги тараққиёт босқичига кўтарилди. Агар аввал маҳалла, асосан, урф-одатлар, маросимлар ва фуқаролар йиғинлари фаолияти билан боғлиқ ижтимоий тузилма сифатида қаралган бўлса, сўнгги ўн йилда у давлат ва жамият ўртасидаги энг муҳим кўприк, аҳоли муаммоларини жойида ҳал этадиган, камбағалликни қисқар-

тирадиган, ижтимоий ҳимояни таъминлайдиган ва тараққиётни маҳалладан бошлайдиган замонавий институтга айланди.

2016-2026 йиллар даврини маҳалла тизими тарихининг янги саҳифаси, десак муболаға бўлмайди. Бу ўзгаришлар тасодиқий эмас. Уларнинг ҳар бири аниқ ҳуқуқий асослар, институционал ислохотлар ва амалий тизимлар билан таъминланди. Қуйида ана шу даврда маҳалла тизими тараққиётини белгилаб берган, унинг бугунги қиёфасини шакллантирган **энг муҳим ўнта тарихий ташаббус** ҳақида сўз юритамиз.

1.

## КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМ МУСТАҲКАМЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилган давлат ва жамият қурилишига оид энг муҳим ислохотлардан бири — маҳалла институтини конституциявий даражада мустаҳкамлаш бўлди.

2023 йил 30 апрель кuni умумхалқ референдумида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида маҳалланинг ҳуқуқий мақоми, жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти сифатидаги аҳамияти янада аниқ ва мустаҳкам ифода этилди. Бу орқали маҳалла нафақат миллий қадриятлар тимсоли, балки мамлакат бошқарув тизимининг муҳим бўғини сифатида конституциявий қафолатга эга бўлди.

Янги Конституцияда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақил фаолият юритиши, аҳоли манфаатларини ифода этиши ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги ўрни ҳуқуқий жиҳатдан қафолатланди. Энг муҳими, маҳалла давлат билан жамият ўртасидаги ишончли кўприк сифатида эътироф этилди.



ШУ МАЪНОДА, МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ КОНСТИТУЦИЯДА МУСТАҲКАМЛАНИШИ ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎН ЙИЛЛИК РАҲБАРЛИК ДАВРИДА МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЭНГ ТАРИХИЙ ВА ФУНДАМЕНТАЛ ИСЛОХОТЛАРДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.

2.

## ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ЯНГИ МЕЗОНИ

2016 йилдан бошланган Янги Ўзбекистон ислохотларининг энг муҳим хусусияти — давлат бошқаруви фалсафасининг тубдан ўзгарганида намоён бўлди.



Илгари, асосан, юқоридан қуйига қараб ташкил этилган бошқарув тизими босқичма-босқич инсон манфаатига хизмат қиладиган, аҳоли дардини эшитишга асосланган халқчил бошқарув моделига айлантирилди. Бу жараёнда маҳаллага давлат сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи бўғини сифатида қарала бошланди.

**ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ДЕГАН ЭЗГУ ҲОЯСИ МАҲАЛЛА ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ МЕЗОНИГА АЙЛАНДИ.**

Энг муҳими, муаммоларни идорада ўтириб эмас, балки одамлар яшайдиган ҳудуднинг ўзида аниқлаш ва ҳал этиш амалиёти жорий этилди. Президентнинг ҳудудларга таширфлари, маҳаллаларда аҳоли билан очиқ мулоқотлари, ҳар бир хонадон аҳолини ўрганишга

қаратилган тизимли ёндашув маҳаллага нисбатан давлат сиёсатининг мутлақо янги фалсафасини шакллантирди. Энди ҳар бир маҳалла кесимида аҳолининг турмуш даражаси, ишсизлик, камбағаллик, ижтимоий ҳимоя, ёшлар ва хотин-қизлар муаммолари доимий таҳлил қилинадиган ва улар бўйича аниқ чоралар қўриладиган тизим яратилди.

Бу янги ёндашув маҳалланинг вазифаларини ҳам тубдан ўзгартирди. Эндиликда маҳалла камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий хизматларни манзилли етказиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда аҳоли муаммоларини комплекс ҳал этишнинг асосий ижтимоий бошқарув институтига айланди. Шу асосда давлат сиёсатининг самараси, энг аввало, маҳалладаги ўзгаришлар билан баҳоланадиган янги мезон шаклланди.

3.

## ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

2023 йил маҳалла тизими тараққиётида мутлақо янги босқични бошлаб берди. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш, маҳаллаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг давлат ҳамда жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш мақсадида **Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилди.**

Янги Уюшма ташкил этилиши билан бутун республика бўйича ягона бошқарув вертикали, ягона методик ёндашув ва ягона ривожланиш сиёсати шакллантирилди. Республикадан тортиб, вилоят, туман (шаҳар) ва маҳалла бўғинигача ўзаро узвий боғланган бошқарув тизими яратилди. Бу эса маҳаллалар фаолиятида илғор тажрибаларни оммалаштириш ва мавжуд муаммоларни тезкор ҳал этиш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтди.

Янги тизим маҳаллаларни фақат ташкилий жиҳатдан мувофиқлаштириш билан чекланиб қолмади. Уюшма зиммасига маҳалла ходимларининг малакасини ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, рақамлаштириш, аҳоли билан ишлашнинг замонавий тизимларини жорий этиш каби муҳим вазифалар юклатилди. Энг муҳими, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ташкил этилиши маҳалланинг мамлакат тараққиётидаги ўрни ва нуфузини янада юксалтирди.

БУ ИСЛОХОТ МАҲАЛЛА ТИЗИМИНИ ТАРҚОҚ ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ ТУЗИЛМАЛАР ЙИГИНДИСИДАН ЯГОНА МАҚСАД ВА ЯГОНА СТРАТЕГИЯ АСОСИДА ИШЛАЙДИГАН ЗАМОНАВИЙ БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИГА АЙЛАНТИРДИ.

4.



## “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” — БОШҚАРУВНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида маҳалла тизимида амалга оширилган энг муҳим институционал ислохотлардан яна бири — “маҳалла еттилиги” фаолиятининг йўлга қўйилиши бўлди.

Бу тизим маҳаллада фаолият юритувчи етти асосий субъект — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий ходим ва солиқ инспекторини ягона мақсад йўлида бирлаштирди. Натижада маҳалладаги ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий масалаларни ҳар бир идора алоҳида эмас, балки бир жамоа бўлиб ҳал этиш амалиёти шаклланди.

“Маҳалла еттилиги”нинг ўзаро ҳамжиҳатлиги натижа-сида жорий йилнинг ўтган даврида 460 мингдан ортиқ ишсиз фуқаронинг 50 фоиздан ортиги иш билан таъминланди, 728 та маҳалла ишсизликдан холи бўлди. Шунингдек, 23,5 мингдан зиёд камбағал оила рўйхатдан чиқарилиб, 312 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудуд сифатида шакллантирилди. 7 800 та маҳалла жиноятчиликдан, 4 595 таси оилавий ажралишлардан холи ҳудудга айланди.

**“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”НИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУНЛИГИ — ҲАР БИР ХОНАДОН ВА ҲАР БИР ФУҚАРО БИЛАН МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ ИМКОНИЯТИНИ ЯРАТГАНИДА НАМОЁН БЎЛДИ.**

Энди ишсизлик, камбағаллик, ижтимоий ҳимоя, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшлар ва хотин-қизлар муаммолари ўзаро уйғунликда кўриб чиқиладиган бўлди. Мазкур тизим маҳаллада давлат хизматларини аҳолига янада яқинлаштиришга хизмат қилди. Фуқароларнинг турли идораларга қатнаб юриши ўрнига, **давлатнинг ўзи маҳаллага кириб борди.** “Маҳаллабай” ишлаш тамойили янада такомиллашиб, ҳар бир оиланинг ижтимоий аҳоли, эҳтиёжи ва салоҳияти асосида индивидуал ёндашув йўлга қўйилди.

Бугунги кунда 8 993 та маҳаллада 55 мингдан ортиқ “еттилик” ходимлари ва жамоатчилик асосида 997 минг нафардан ортиқ фаоллар ўзаро ҳамкорликда тизимли ишлашни йўлга қўйган.

5.

## КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ШУ МАСКАНДАН БОШЛАНДИ

Ўзбекистон тарихида илк марта камбағаллик мавзуси ва уни қисқартириш масаласини давлат даражасида 2020 йил бошида Президент Шавкат Мирзиёев расман кун тартибига олиб чиқди. Унчага камбағаллик кўп йиллар давомида “ёпиқ мавзу” ҳисобланиб келган.

Бу борада мутлақо янги ёндашув жорий қилиниб, муаммони республика ёки туман миқёсида эмас, балки ҳар бир маҳалла ва ҳар бир хонадон кесимида ҳал этиш тамойили асос қилиб олинди. Ана шу мақсадда 2022 йилдан бошлаб, маҳаллаларда **ҳоким ёрдамчилари** институти фаолияти йўлга қўйилди. Бу ислохот маҳаллани иқтисодий тараққиётнинг ҳам асосий бўғинига айлантирди.

Бугунги кунда маҳаллага келиб тушаётган аҳоли муаммо ва эҳтиёжларининг 89 фоизи маҳалланинг ўзида ҳал этиляпти. Ҳар бир маҳалла, хонадон ва кўчаларни ободонлаштириш ишлари тизимли йўлга қўйилиб, 250 мингга яқин камбағал оиланинг уй-жойлари таъмирланди. 5,2 миллион нафар аҳоли даромадли меҳнатга жалб қилинди, ижтимоий шартнома асосида 311 мингга оилага кўмак кўрсатилди.

Бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар ажратиш, томорқадан самарали фойдаланиш ҳамда ҳар бир оиланинг даромадини оширишга кўмаклашиш каби муҳим вазифаларга маҳалла даражасида ечим топилди. Энг муҳими, ҳар бир маҳал-



ланинг иқтисодий салоҳияти алоҳида ўрганилиб, “ўсиш нуқталари” белгиланди. Мазкур ислохот маҳаллада иқтисодий фаолликни сезиларли даражада кучайтирди.

**НАТИЖАДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ БЎЙИЧА МАНЗИЛЛИ ИШЛАШ ТИЗИМИ ШАКЛЛАНДИ.**



# ТАРИХИЙ ЯНГИЛАНИШНИНГ СОЛНОМАСИ

## “РАҚАМЛИ МАҲАЛЛА” ТИЗИМИ ЯРАТИЛДИ

Мамлакатда амалга оширилган рақамли трансформация сиёсати маҳалла тизimini ҳам қамраб олди.

Маҳалла фаолиятини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида ташкил этиш мақсадида “**Рақамли маҳалла**” тизими босқич-ма-босқич жорий этилди. 401 та кўрсаткичдан иборат “**Маҳалла баланси**” шакллантирилди. Бу орқали маҳалла бошқаруви қўғозбозликдан рақамли бошқарувга ўтишнинг янги босқичига кўтарилди ҳамда маълумотлар билан ишлаш, таҳлил қилиш ва қарор қабул қилиш жараёнини сезиларли даражада такомиллаштирилди.



2026 йилнинг олти ойида “**Рақамли маҳалла**” платформаси орқали 13 минг 850 та мурожаат келиб тушган. Виртуал қабулхона ахборот платформасида 8 993 та маҳалла учун алоҳида кабинет-

лар очилди. Жорий йил якунига-ча Виртуал қабулхона ва “**Рақамли маҳалла**” платформалари интеграция қилинади, мурожаатлар “**еттилик**” хулосаси асосида назоратдан чиқарилади.

Янги рақамли платформалар орқали аҳоли мурожаатлари, ижтимоий хизматлар, эҳтиёжманд оилалар, “Ижтимоий реестр” маълумотлари, бандлик, камбағаллик, ёшлар, хотин-қизлар ва бошқа соҳаларга оид маълумотлар **ягона электрон базаларга** жамланди. Бу эса ҳар бир маҳалла кесимида аниқ ҳолатни тезкор баҳорлаш, аҳолининг эҳтиёжини аниқлаш ва давлат ёрдами-ни манзилли ташкил этиш имкониятини кенгайтирди.

**ЭНГ МУХИМИ, МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚРОРАН ЙИҒИШГА ЭҲТИЁЖ КАМАЙИБ, ДАВЛАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДА АХБОРОТ АЛМАШИНУВИ САМАРАЛИ ЙЎЛГА ҚўЙИЛДИ.**

6.

10.

## ФУҚАРОЛИК МАСЪУЛИЯТИ ШАКЛЛАНДИ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан кейинги ўн йил ичида маҳалла ҳудудларни комплекс ривожлантириш, инфратузилмани янгилаш, жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли фаоллигини оширишнинг ҳақиқий марказига айланди.



Бу жараёнда “**Ташаббусли бюджет**”, “**Менинг йўлим**”, “**Менинг боғим**” лойиҳалари, “**Обод қишлоқ**” ва “**Обод маҳалла**” дастурлари, “**Обод хонадон**”, “**Обод кўча**”, “**Обод маҳалла**” тамойиллари, “**Маҳалла лигаси**”, “**Маҳаллам — лойиҳам**” каби ташаббуслар муҳим ўрин тутди. Уларнинг асосий мақсади — маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш, спорт, маданий ҳамда ижтимоий объектларни барпо этиш, аҳолининг ўз ташаббуслари билан ҳудудни ривожлантиришини рағбатлантиришдан иборат.

Энг муҳими, мазкур ислохотлар маҳаллада “**менинг маҳаллам — менинг масъулиятим**”, деган фуқаролик маданиятини шакллантиришга хизмат қилди. Давлат ва жамоатчиликнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида юзлаб маҳаллаларнинг юрфе-фаси тубдан янгиланди, аҳолининг ҳаёт сифати яхшиланди, фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштироки кенгайди.

**АЙНИҚСА, “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗЛАРИ МАҲАЛЛАДА ҚАЙСИ МУАММО БИРИНЧИ НАВБАТДА ҲАЛ ЭТИЛИШINI БЕЛГИЛАШ ИМКОНИЯТИГА ЭГА БЎЛДИ.**

Умуман олганда, Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида маҳалла институтига амалга оширилган ўзгаришлар алоҳида қарорлар ёки тармоқ ислохотлари йиғиндиси эмас, балки маҳалланинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини тубдан қайта белгилаб берган яхлит стратегия бўлди. Бу даврда маҳаллага нисбатан давлат сиёсатининг фалсафаси ўзгарди: давлатнинг ўзи инсонлар яшайдиган маҳаллага кириб бориши бош тамойилга айланди.

Ўтган ўн йилда маҳалла институтининг ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ва функционал асослари бир вақтнинг ўзида мустахкамланди. Конституцияда маҳалланинг мақоми кучайти-

рилди, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил этилди, “маҳалла еттилиги” институти жорий қилинди, “**Рақамли маҳалла**” платформаси яратилди, маҳаллаларнинг молиявий мустақиллиги кенгайтирилди, Президентнинг маҳаллаларга мунтазам ташрифлари эса халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги бошқарув маданиятини шакллантирди. Бу ислохотларнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга эга бўлса-да, уларнинг умумий мақсади битта эди — маҳаллани инсон ҳаётидаги барча муҳим масалалар ҳал этиладиган энг таъсирчан институтга айлантириш.

Энг муҳими, Президентимиз маҳаллага фақат бошқарув объекти сифатида эмас, Янги Ўзбекистон тараққиётининг асосий “драйвер”ларидан бири сифатида ёндашди. Бугун аҳоли бандлиги, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ижтимоий ҳимоя, жамоат ҳавфсизлиги, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, ободонлаштириш, жамоатчилик назорати каби давлат сиёсатининг устувор йўналишлари айнан маҳалладан бошланмоқда. Бу эса маҳалланинг ижтимоий институтдан стратегик бошқарув институти даражасига олиб чиқилганини аниқлатади.

Шу боис 2016-2026 йиллар нафақат Янги Ўзбекистоннинг, балки ўзбек маҳалласи тарихида ҳам янги — маҳалланинг давлат ва жамият тараққиётининг ҳал қилувчи таянчига айланган даври сифатида эътироф этилиши учун барча асослар мавжуд.

## МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛЛИК КУЧАЙТИРИЛДИ

Президентимиз ташаббуси билан маҳаллаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимлари шакллантирилди. Бу жараён маҳаллани фақат ижтимоий институт эмас, балки ўз ҳудудидаги муаммоларни ҳал қилиш имкониятига эга мустақил бошқарув бўғини сифатида ривожлантиришга хизмат қилди.



2022 йилда “**Маҳалла бюджети**” тизими жорий этилиб, мол-мулк ва ер солиғи бўйича ундирилган маблағларнинг 10 фоизи мазкур тизимга йўналтирилди. Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармаси орқали инфратузилмани яхшилашдан тўғиб, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашгача бўлган жараёнлар маҳалла даражасига туширилди.

Биргина 2025 йилда Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасига 505,8 миллиард сўм маблағ туширилиб, “**еттилик**”нинг коллегиял қарори асосида инфратузилмани яхшилаш ва камбағал оилаларни қўллаб-қувватлашга мақсадли ва манзилли сарфланди.

2026 йилда қабул қилинган “**Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги Президент қарори маҳаллаларнинг ўз даромад манбаларини сезиларли кенгайтирилди. Хусусан, эндиликда санитария қондаларини бузганлик ва ноқонуний қурилиш учун ундирилган жарималарнинг 10 фоизи, мол-мулк ва ер солиғининг 15 фоизи, маҳалладаги ҳудуди 5 минг метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулкни сотишдан тушадиган маблағлар жамғармага тушиши белгиланди.

**МАҲАЛЛА БИНОЛАРИНИНГ БЎШ ТУРГАН ХОНАЛАРИНИ ИЖАРАГА БЕРИШДАН ТУШГАН МАБЛАҒЛАР ҲАМ МАҲАЛЛАЛАР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ЯХШИЛАШГА ЙЎНАЛТИРИЛАДИ.**

## ИЖТИМОЙ КЎМАК МАҲАЛЛА ДАРАЖАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛЯПТИ

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2020 йилда “**Темир дафтар**”, кейинчалик эса “**Аёллар дафтари**” ва “**Ёшлар дафтари**” тизимлари жорий этилди. Бу орқали ижтимоий ҳимоя биринчи марта маҳалла кесимида, ҳар бир оила ва ҳар бир шахс даражасида ташкил этилди.

Авваллари эҳтиёжмандлик умумий рўйхатлар асосида баҳоланган бўлса, янги тизимда ҳар бир хонадоннинг яшаш шароити, даромади, иш билан таъминланганлик ҳолати, саломатлиги, таълимга эҳтиёжи ва бошқа омиллар маҳаллада ўрганилиб, махсус дафтарларга киритиладиган бўлди. Бу эҳтиёжмандларни аниқлашда инсон омилини камайтириб, қарорларни ҳақиқий ҳолатга асосланган ҳолда қабул қилиш имконини берди.

Мазкур дафтарлар орқали фуқароларга бир марталик моддий ёрдам бериш билан чекланилмади. Аксинча, уларни доимий иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш, имтиёзли кредит ажратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, даволаниш, уй-жой, таълим ва бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича комплекс чоралар амалга



оширилди. Яъни муаммонинг оқибати эмас, сабаби бартараф этишга урғу берилди.

Энг муҳими, мазкур тизим маҳалланинг вазифасини тубдан ўзгартирди. Маҳалла раиси, сектор раҳбарлари ва мутасадди ташкилотлар ҳар бир фуқаро тақдирини бўйича ҳамкорликда ишлайдиган янги тизим шаклланди.

**ЭНДИ МАҲАЛЛА ФАҚАТ ЭҲТИЁЖМАНДНИ АНИҚЛОВЧИ ЭМАС, БАЛКИ УНИНГ МУАММОСИ ТўЛИҚ ҲАЛ ЭТИЛГУНГА ҚАДАР МАСЪУЛ БЎЛГАН ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТГА АЙЛАНДИ.**

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИ — ХАЛҚЧИЛ БОШҚАРУВ МАКТАБИ

Президентимизнинг мамлакат ҳудудларига мунтазам ташрифлари доирасида маҳаллаларга бориши, аҳоли билан бевосита мулоқот қилиши ва одамларнинг дарду ташвишини жойида эшитиши доимий амалиётга айланди.



Президентнинг маҳаллаларга ташрифлари давлат бошқарувида муҳим бурилиш ясади. Энди қарорлар фақат ҳисоботлар ёки расмий маълумотларга эмас, балки маҳаллалардаги ҳақиқий ҳаёт, одамларнинг турмуш тарзи ва эҳтиёжларини бевосита ўрганиш асосида қабул қилина бошланди. Ҳар бир ташриф давомида маҳалладаги инфратузилма, ижтимоий муҳит, ишсизлик, камбағаллик, тадбиркорлик, таълим, тиббиёт, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш каби масалалар чуқур таҳлил қилиниб, масъулларга аниқ вази-фалар белгиланди.

Ушбу ташрифлар маҳалла аҳлининг давлатга бўлган ишончини мустаҳкамлади. Одамлар ўз муаммоларини энг юқори даражада очик айтиш, таклифларини билдириш ва уларнинг амалий ечимини қуриш имкониятига эга бўлди.

**ШУ МАЪНОДА, ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАҲАЛЛАЛАРГА МУНТАЗАМ ТАШРИФЛАРИ ОДДИЙ ХИЗМАТ САФАРИ ЭМАС, БАЛКИ ХАЛҚ БИЛАН ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ МАСОФАНИ ҚИСҚАРТИРГАН, “ИНСОН ҚАДРИ УЧУН” ТАМОЙИЛИНИ АМАЛДА РЎЁБГА ЧИҚАРГАН ХАЛҚЧИЛ БОШҚАРУВ МАКТАБИГА АЙЛАНДИ.**

2016-2026 йиллар давомида давлатимиз раҳбари ҳудудлардаги 150 га яқин маҳаллага ташриф буюрди.





Ўзбекистонда ипотека кредитлари бўйича СУБСИДИЯЛАР ОЛИШ УЧУН АРИЗАЛАР ҚАБУЛИ 27 июль куни бошланади.



ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ ИККИ ЙИЛЛИК ТАЪМИРЛАШДАН СЎНГ ҚАЙТА ОЧИЛДИ.



Қашқадарёда КЕЛИНИНИ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШ ДАРАЖАСИГА ЕТКАЗГАН қайнона 5 йилга қамалди.

4

Mahalla

№59

2026 йил  
25 июль,  
ШАНБА

## “ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚАДР-ҚИММАТИ — ШАЪН ВА ҒУРУР МАСАЛАСИДИР!”

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

ОҚИЛАЛИК — ОИЛА БЕЗАГИ

Маҳаллада ишлаган одам, биринчи навбатда, ўз ҳаловатидан кечиши керак. Умрини ва куч-қувватини халққа бағишлаган ходимгина ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлади. Айниқса, аҳоли муаммоларига ечим топиш, уларнинг тинч ва фаровон турмушини таъминлашдек масъулиятли вазифани адо этиш туну кун меҳнат қилишни талаб этади.



Шароф СИНДОРОВ, Чиноз туманининг Амир Темур номидаги маҳалласи раиси.

“Еттилик” вакиллари билан тинимсиз кўчаларни айланамиз. Идорада ўтиришга вақтимиз йўқ. Жонли учрашув ва суҳбатлар ҳақиқий ҳолат ҳақида ҳулоса чиқаришимизга ёрдам беради. Жиноятчиликнинг олдини олиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ишсизликни бартараф этиб, камбағаллики қисқартиришда фақатгина халқ билан қилинган мулоқот ижобий самара берапти. Одамлар улар учун жон куйдираётган давлат вакили борлигини ҳис қилса, фаровон турмуш кечириши учун ҳар қандай кўмакка тайёрлигимизни кўрса, ўзлари ҳам астойдил ҳаракат қилади. Масофадан берилган ёрдам билан уларнинг меҳрини қозониб бўлмайди.

**Ишлаган киши турли вазиятларга гувоҳ бўлаверади. Атрофимизда ҳар хил феъл-атворли эркак, аёл. Айримлари салгина туртки билан ўз йўлини топиб олади. Ҳатто, маслаҳат кифоя қилади. Лекин меҳнат қилишга тоқати йўқ, оғирлигини бошқаларга солишга ўрганиб қолганлар ҳам топилади.**



Жорий йил бошидан буён иккита шундай хонадон билан ишляяпмиз. Улар камбағал оила сифатида рўйхатга олинган. Даромади кам, бирор жойда муқим фаолият юритмайди. Ҳар нарсадан камчилик қидириб, яратиб берилган имкониятнинг қадрига етмайди. Мазкур хонадон вакилларининг ҳаётга қарабини ўзгартиришга уринишларимиз ҳали ҳам тўхтамади. Биттасини касб-хунарга ўқитиб, ўзи хоҳлаган жойга ишга киритиб қўйдик. Яна бошқаси қурувчилик қиялпти. Уларни фақат яхши гап билан руҳлантирамыз. Олдига мақсад қўйиши, бошқалардек тўкин-сочин яшашга имкони борлигини айтиб, ҳаракатга ундаймиз.

Бу йил давлат маҳалламиз инфраструктурасини яхшилаш учун 5 миллион сўм маблағ ажратган. Айни вақтда ҳудудимизда қурилиш ва янгиланиш жараёнлари авжида. Халқимиз бунёдкорлик тадбирларидан жуда хурсанд. Бундай эътибор ва қўллаб-қувватлашга муносиб жавоб қайтариш учун фақат олға интилишимиз, тўсиқларни мардондорлик билан енгиб ўтишимиз зарур. Худди қарс икки қўлдан чиққани каби юрт ободлиги ҳам барчамиздан фидокорлик талаб этади.

Маҳаллада иш бошлаган вақтим жуда ёш эдим. Ичимдан кўркув ва ҳадик бор эди. Атрофдагилар ҳам бирор натижа кўрсатишимга шубҳа билан қарашди. Лекин бу тўсиқларни енгиб ўтиш учун ўзимда куч топдим.

## Бахтли оила САБР, МУРОСА ВА ҲУРМАТ БИЛАН БУНЁД Бўлади

Умида ОРИФЖОНОВА,  
Гулистон туманидаги “Аҳиллик” ва “Ибрат”  
маҳаллалари хотин-қизлар фаоли.

О ақат олға интилдим, ўқидим, изландим. Қолаверса, йиллар давомида тўпланган тажриба сабаб халқ ишончини қозона олдим.

Ҳар куни тонгни янги мақсад ва орзулар билан бошлайман. Ниятларимда ҳудудимизда истиқомат қиладиган аёлларнинг бахтли ва хотиржам ҳаёт кечириши мужассам. Бу йўлда баъзан ярим тунга қадар идорада қолиб кетаман. Иш жуда кўп. Ҳал этиладиган муаммолар талайгина.

Айни вақтда иккита маҳалла ҳудудида фаолият юритяпман. “Ибрат”да ҳаммаси жойида. Хотин-қизлар анча фаол. Ишсизлар деярли йўқ. Аёллар мунтазам равишда янги ташаббуслар ва лойиҳаларни амалга ошириб келяпти.

**“Аҳиллик” маҳалласида эса вазият бироз жиддий. Кўп оилаларда эркаклар аёлининг ишлашига рухсат бермайди. Фақатгина фарзанд тарбияси ва рўзгор юмушлари билан банд бўлишини истади. Лекин улар орасида иқтидорли ва иштиёқли баландлари кўп. Шундай опа-сингилларимизни уй шароитида бандлигини таъминлаяпмиз. 5-6 нафар чеварни бир хонадонга йиғиб, тикувчилик билан шуғулланишига шароит яратиб бердик.**



НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

## Кўмак ташаббусга қанот беради

Бухоро шахридаги “Жўбор” маҳалласида истиқомат қиладиган Муқаддас Саломова Ижтимоий реестрга киритилган. Аёл оилавий шароитини яхшилаш мақсадида янги бизнес ташаббуси билан чиқди.



**Сармоядан мақсадли фойдаланган ташаббускор ўз фаолиятини йўлга қўйиб, шахсий цехига эга бўлди. Натижада оила бюджетига ойига ўртача 6-7 миллион сўм даромад кириб келмоқда. Энг муҳими, мазкур амалий ёрдам фуқаронинг иқтисодий фаоллигини ошириш, оиланинг турмуш даражасини яхшилаш ҳамда камбағалликдан чиқишига хизмат қилмоқда.**

Бундай манзилли қўллаб-қувватлаш чоралари эҳтиёжманд оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва камбағаллиқни қисқартиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.



Саҳифани “Mahalla” мухбири Шахноза РАҲИМХУЖАЕВА тайёрлади.

ДАРОМАД МАНБАИ

Яккабоғ туманидаги “Уйғур” маҳалласида истиқомат қиладиган Гавҳар Хўжаниёзова 2023 йилда “Аёллар дафтари”га киритилиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида 15 миллион сўм имтиёзли кредит олган.

## ГАВҲАРНИНГ ОЛТИНГА ТЕНГ ЛОЙИҲАСИ

Наргиза ЮНУСОВА,  
журналист.

2026 йилда эса у яна “Аёллар дафтари” орқали қўллаб-қувватланиб, “Хунареманд” уюшмасига аъзо бўлди ҳамда субсидия асосида 6 ой давомида 4 миллион 120 минг сўмдан молиявий кўмак билан таъминланди.

Бугунги кунда Гавҳар Хўжаниёзова “Аёллар дафтари” орқали кўрсатилаётган кўмак нафақат бир аёлнинг ҳаётида, балки ўнлаб оилалар фаровонлигида ҳам муҳим ўзгаришлар ясаётганининг ёрқин намунаси.



Аёлнинг ижтимоийлашуви жамиятдаги ўзгаришлар билан ҳамнафас яшашини таъминлаш оила муҳитига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Фарзандлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, гарчи хонадон вакиллари моддий жиҳатдан ўзига тўқ бўлишига бўлса ҳам аёлни меҳнат қилишга ундаяпмиз.

Мазкур ҳудудда ишсизлик кўрсаткичини камайтириш учун ишлаб чиқариш корхоналарига эҳтиёж баланд. Хотин-қизлар узоққа қатнашдан кўра, уйига яқингина жойда ишлаши уларга ҳар жиҳатдан маъқул. Шунда рўзгор юмушларига ҳам бемалол улгура олади.

Хотин-қизлар фаоли сифатида низо келиб чиққан оилаларга тез-тез киришимга тўғри келади. Келиша олмаётган эр-хотинлар орасида ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Ийгишлар ҳам, қизлар ҳам жуда сабрсиз бўлиб кетган. Ҳамма нарсга тезгина эришишни истади. Келинларнинг қайнонага тоқати йўқ. Айримлари тўйдан олдин алоҳида яшаш шарти билан турмушга чиқяпти.

Баъзан қайноналарга ҳам хайрон қоламан. Уйланган ўғлини келинидан қизғонади. Ҳар ишдан камчилик қидириб, арзимаган нарсаларга жанжал кўтаради. Бу каби муаммоларни бартараф этиш учун ҳудудларда фаолият юритаётган Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказларида қайнота-қайноналар учун ҳам махсус машғулотлар ташкил этиш керак. Келин-куёвларнинг ўқиш муддатини узайтириш натижадорлигини янада оширган бўларди.

Ҳозир “еттилик” вакиллари билан бир ташкилот биноси ажратиб берган хонада ўтирибмиз. Баъзан дардини айтиш учун келган аёллар ийманибгина чиқиб кетади. Оилавий моҳароларни муҳокама қилиш учун шароит йўқ. Қанийди, маҳалламизнинг ўз идораси ва ҳар бир ходимнинг шахсий хонаси бўлса, аҳоли муаммолари билан ишлаш ҳам анча осон кечарди.





Ўзбекистоннинг ИЛМ-ФАН ВА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ бўйича ёндашуви ЮНЕСКОнинг Глобал конференциясида тақдим этилди.



Давлат олий ва касбий таълим муассасаларига тест синовлари якунланди. Унда 610 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД АБИТУРИЕНТ иштирок этди.



2027 йил 1 июлга қадар ЯГОНА ИНТЕГРАЦИЯЛАШГАН РАҚАМЛИ ПЛАТФОРМА ишлаб чиқилади.

2026 йил  
25 июль,  
ШАНБА

Mahalla №59

5

## “ИСТЕЪДОДЛИ ЎФИЛ-ҚИЗЛАР — ЭЛ-ЮРТИМИЗНИНГ ФАХРИ!”



БУХОРО

ЕТАКЧИ—ЁШЛАРГА КЎМАКЧИ

Иқтидорсиз ёш бўлмайди. Баъзан гап иқтидорнинг йўқлигида эмас, уни вақтида кўра олмасликда. Ўзига ишонмаган, йўлини тополмай юрган ёки хорижда кун кўриш илинжида юрган ёшларнинг ҳам ичида катта салоҳият яширинган бўлади. Фақат ўша учқунни алангалатадиган бир инсон, бир имкон керак.

Ҳар бир ёшнинг қалбида

ПИНҲОНА ИҚТИДОР БОР...

Бобомурод САЛИМОВ,  
Қорақўл туманидаги “Қувача” маҳалласи ёшлар етакчиси.

Муслимбек Ҳамроев шундай йигитлардан бири. Олий таълимни тугатгач, тиричилик илинжида хорижга кетиб, пайвандчилик қилиб юрган. Кейинчалик хорижда бўлишига рухсат бекор қилиниб, юртга қайтишга мажбур бўлди. Кўпчилик бундай ҳолатдан кейин тушқунликка тушади. Мен эса унда бошқача жиҳатни кўрардим. Спортни яхши кўради, футбол мусобақаларида маҳаллаимиз шаънини ҳимоя қилиб, ғалабаларимизга муносиб ҳисса қўшди. Серҳаракат, меҳнатдан қочмайдиган, қўли гул йиғит эди. Пайвандлашни биларди, лекин ҳунарини чархлайдиган устозга эҳтиёжи бор эди.



**“Беш ташаббус олимпиадаси” доирасидаги касблар танловида пайвандлаш йўналиши эълон қилинганида кўз олдимга дарров Муслимбек келди. Унга иштирок этишни таклиф қилдим. Аввалига унчалик қизиқмади. Ростини айтсам, бу сафар унинг “йўқ”, деган жавобини қабул қилгим келмади. Устоз топдик, машғулотларга қатнашди, ҳунарини янада мукамаллаштирди. Орадан кўп вақт ўтмай, танловда иккинчи ўринни эгаллади. Мукофотни олган пайти ичимда битта фикр ўтди: баъзан ёшлар ўзига ишонмайди, унга аввал бошқалар ишониши керак экан. Бугун Муслимбекнинг яна хорижга кетишини истамаймиз. Чунки унинг ҳунари, меҳнати, истеъдоди ўз маҳалласига керак.**



Маҳаллаимиз ёшлари ернинг қадрига етишни яхши билади. Бизда, айниқса, қовоқ, помидор ва бодиринг етиштириш ривожланган. Қишда ерга ёйсимон симлар ўрнатилиб, устидан махсус қоплама тортилади. Бу халқ тилида “дуга” дейиладиган кичик иссиқхона усули. Январь охири – февраль ойи бошида уруғлар ерга қадалади. Эрта баҳорда, март ойининг бошидаёқ ҳосил пишиб, бозорда одатдаги мавсумдан анча қиммат нархда сотилади. Баъзан бир дона қовоқнинг нархи 20-30 минг сўмгача чиқади. Шу усул билан ёшлар бир неча ой ичида яхши даромад топомоқда. Гулфия Баҳромбоева бунга ёрқин мисол. У бир гектар ерда қовоқ, помидор ва бодиринг етиштиради, ҳовлисидagi 15 сотих ҳовузда эса балкичилик билан шуғулланади. Бир вақтнинг ўзida бир неча йўналишдан даромад қилаётган ёшларни қўриб, бошқалар ҳам ҳаракатга тушмоқда.

Ҳар кун и эрталаб маҳалла раиси бошчилигида кунлик вазифаларни белгилаб оламиз-да, ёшлар билан учрашувларга чиқамиз. Баъзан бизнинг гапимиздан кўра, нуроний отахон ва онахонларнинг бир оғиз насиҳати кўпроқ таъсир қилади. Айниқса, тадбиркорликни бошлашга иккиланаётган ёшларни тажрибали инсонлар билан учраштирамиз. Ўз меҳнати билан кредит олиб, ишини йўлга қўйган фуқаролар бошидан ўтганларини гапириб берганда, ёшларнинг кўзидаги иккиланиш ўринини ишонч эгаллайди. Бекзод Самандаров ҳам шундай ёшлардан эди. Кредит олишга журъат қилолмай юрган пайтида унга 30 миллион сўмлик кредит расмийлаштиришга кўмаклашдик. Мини трактор олди. Олти ойдан буён ишлаб келмоқда, кредитнинг ярмидан кўпрогини ҳам тўлаб бўлди. Мен доим ёшларга битта гапни айтаман: журъат қилган одамнинг ёнида, албатта, кўмак топилади. Биз эса шу йўлда уларнинг ёнида туришни ўзимизга бурч, деб биламиз.

Ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича бир таклифим бор. Кредит олиш учун банкка ҳужжатлар топширилгандан кейинги айрим талаблар амалда ёшларни ортга қайтариб қўяди. Масалан, оиллик иш ҳақида қисқа муддатли узилиш бўлса ёки кафилининг иш стажига шундай ҳолат учраса, ҳужжатлар рад этилади. Ваҳоланки, инсоннинг бугун расмий иш жойи ва барқарор даромади борлиги тасдиқланса, шу ҳолат ҳам инобатга олинса, кўплаб ташаббускор ёшлар ўз тадбиркорлигини бошлаш имкониятига эга бўларди. Ахир ёшга энг керакли нарса – ишонч ва имконият.

НАВОЙИ

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

## Инсонларда умид қайта уйғонгани — МУКОФОТНИНГ ЭНГ КАТТАСИ БЕРИЛГАНИ!

Жамиятда аёл қийналмасин экан. Оиланинг ташвиши бир томонда, рўзгорнинг кам-кўсти бир томонда — буларнинг бари аёлнинг юзига вақтидан олдин ажин солади. Баъзан унинг дарди кўзларидан билинади, аммо тилига чиқмайди. Маҳаллага келаятган кўплаб аёлларнинг нигоҳида ҳам мен, аввало, шу ҳолатни кўрганман.

Мақсуда ПАРМОНОВА,  
Зарафшон шаҳридаги “Даугизтау” маҳалласи раиси.



**Кўп ўтмай, уйининг бир бурчагида кичикқўл ташкил қилди. Дастлаб патир нон ёпди, кейин ширинликлар тайёрлай бошлади. Маҳсулотлари хариддоригр бўлиб кетди. Бугун у фақат ўз оиласининг даромадини таъминлаб қолмаяпти. Бир вақтлар ёрдам сўраб кириб келган аёл энди бошқаларга ҳам иш бераётган тадбиркорга айланди. Унинг юзидagi хавотир ўрнини ишонч эгаллади. Мен учун энг катта мукофот ҳам шу — инсоннинг кўзидagi умидни қайта уйғотиш.**

Шундай мисоллар маҳаллаимизда кўп. Йиллар давомида одамларимиз хизмат кўрсатиш, қорвачилик ва кичик тадбиркорликни ҳаётининг ажралмас қисмига айлантирди. Шу боис бугун “ишсизман”, деган одамни учратиш тобора қийинлашиб бормоқда. Маҳаллаимиз фуқароларидан Маҳмуджон Олимов ҳам савдо дўконини очиб, беш нафар фуқарони доимий иш билан таъминлади. Бундан ташқари, яна беш нафар фуқарони турли давлат ташкилотларига ишга жойлаштиришга ҳам эришдик.

Маҳаллаимиз аёллари билан алоҳида фахрланаман. Бугун геология соҳасида, мактаб, боғча, шифохона, темир йўл тизимида меҳнат қилаётган хотин-қизларимиз жуда кўп. Ҳатто уйда ҳеч қандай даромад манбаига эга бўлмаган аёлни топиш мушкул. Ҳозир эса фаол хотин-қизларимиз фитнес клубини очиб ташаббуси билан чиқишди. Бу лойиҳа амалга ошса, нафақат янги иш ўринлари яратилади, балки аёлларимизнинг соғлом турмуш тарзини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Тўғриси, маҳалла тизимига илк бор қадам қўйганида бугунгидек ишончага эга эмасдик. Аввал хотин-қизлар фаоли сифатида иш бошлаганман. Электрон тизимлар билан ишлашда қийналардим. Одамлар билан ишлаш эса ундан ҳам мураккаброк эди. Айрим оилаларга кирганимда: “Сен ҳали ёшсан, бизга ақл ўргатма”, “Ҳаётда нимани қўргансан?”, деган гапларни кўп эшитганман. Ўша пайтлари кўнглим огирди. Лекин касбимни севганим учун ортга чекинмадим. Ўзим устида ишладим, одамларни тинглашди, уларнинг ишончини қозонишни ўргандим.

Шундай давларда устозим, маҳалла раиси Инобат опа Соатова менга жуда катта далда бўлганлар. Уч йил давомида ёнлариди ишлаб, одамларга қандай хизмат қилишни, сабр билан муаммоларни ҳал этишни улардан ўргандим. Бугун ортга қараб, халқнинг ишончини қозона олган бўлсам, бунда устозимнинг ҳиссаси жуда катта.

Бугун маҳаллаимизга кириб келаятган одамларнинг қайфияти ҳар хил бўлади. Кимдир қувонч билан, кимдир дард билан эшигимизни қоқайди. Мен, аввало, уларни ширин муомала, бир пиёла иссиқ чой билан кутиб олишга ҳаракат қиламан. Одамнинг кўнгли жойига тушгачгина муаммоларнинг ечимини топиш осонлашади. Шу боис ҳар бир муурожаат ортида инсон тақдир турганини унутмайман.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Санобар БОТИРОВА.  
Сирдарё вилояти:

— Фарзандимни 1-синфга қабул қилиш учун “*my.maktab.uz*” платформаси орқали навбат олганман. Белгиланган сана менга тўғри келмай қолди, уни олдиндан бошқа кунга ўзгартиришим мумкинми? Шунингдек, қайси ҳолларда мактаб фарзандимни 1-синфга қабул қилишни рад этиши мумкин?

## 1-СИНФГА ҚАБУЛ ҚАЙСИ ҲОЛЛАРДА РАД ЭТИЛИШИ МУМКИН?



Нурбек АҚРОМОВ,  
ҳуқуқшунос, адвокат:

— Агар сиз “*my.maktab.uz*” платформаси орқали мактабга бориш учун навбат олган бўлсангиз, белгиланган сана ва вақт келмасидан туриб ушбу навбатни ўзгартириш имконияти мавжуд эмас. Белгиланган учрашув вақти ўтганидан кейингина навбатни қайта танлаш ёки янгидан навбат олиш мумкин.

Шунингдек, 1-синфга қабул учун берилган ариза агар боланинг таббий маълумотномасида умумтаълим мактабларида таълим олиши тавсия этилмаган бўлса, бола танланган таълим тилида бошланғич сузлашув кўникмасига эга бўлмаса ва суровномада кўрсатилган маълумотлар нотўғри экани аниқланса, қабул комиссияси болани умумтаълим мактабига қабул қилишни рад этишга ҳақли.

Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Шаҳноза  
ХАЛИЛОВА  
тайёрлади.





Нурафшон шаҳрида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг янги ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ МАЖМУАСИ барпо этилди.



Ижтимоий реестрга киритилган оилалар ва фуқароларга “Инсон” марказларида БЕПУЛ ЮРИДИК ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИШ имконияти яратилди.



Камида 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган МАҲАЛЛА ИЖТИМОЙ ХОДИМЛАРИГА олийгоҳларга кириш бўйича тавсияномалар тақдим этилади.

6

Mahalla

№59

2026 йил  
25 июль,  
ШАНБА

## “МАҲАЛЛА — ИЖТИМОЙ БИРДАМЛИК МАНБАИДИР!”

НУҚТАИ НАЗАР

“Келинлар қўзғолони” фильми ёдингиздадир, катта оила, ака-укаларнинг бир том остидаги жўшқин ва қизиқарли ҳаёти барчамизда катта таассурот қолдирган. Тўғри, кўпчилик бу ҳолатга танқидий назар билан қараши мумкин.

### Умр ёлғизлик сояси эмас, МЕҲР-ОҚИБАТ НУРИ БИЛАН ЧАРОҒОН

Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА, “Mahalla” муҳбири.

Лекин масаланинг сабоқ оладиган жиҳатлари ҳам жуда кўп. Биринчи навбатда, ўша даврдаги ёши улуғ инсонларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром намоён бўлади. Фарзандларнинг она сўзини қонун деб билиб, ҳар бир хатти-ҳаракатини ўйлаб амалга оширгани алоҳида диққатга сазовор.

Замон шиддат билан ривожланипти. Бу оилавий муносабатлар тизими-га ҳам ўз таъсирини кўрсатяпти. Давримизга келиб, кўпчилик ёшлар алоҳида яшашни афзал кўраётганидан кўз юма олмаймиз. Қолаверса, ёшларнинг таълим олиш ва ишлаш истагида бошқа шаҳар ва мамлакатларга кетиши натижасида ота-оналарнинг қаровсиз қолиш ҳолатлари ортди. Бундан ташқари, ораимизда оила қурмагани ёки фарзандсизлиги сабабли якка ўзи яшаётган кексалар ҳам анчагина.

Инсон ҳаёт экан доим атрофдагилар билан мулоқот қилишга, ғанимат умрини мазмунли ўтказишга ҳаракат қилади. Айниқса, кексайиб, бошқаларнинг кўмагига муҳтож бўлиб қолганда, бу ҳолат янада кўпроқ сезила бошлайди. Натижада уларда руҳий тушқунлик, хафсаласизлик пайдо бўлади.



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тадқиқотларига кўра, сурункали ёлғизлик кексаларда юрак-қон томир касалликлари хавфини 30-50 фоизга оширади. Сухбатдошнинг йўқлиги ва кераксизлик ҳисси инсон иммунитетини кучсизлантиради. Жисмоний имконияти чекланган кекса учун кундалик ҳаридлар, уй-жойини тозалаш ёки оддий овқат тайёрлаш ҳам катта тўсиққа айланади. Нафақа ва ижтимоий ёрдам берилгани билан уларни амалда ишлатиш учун жисмоний кўмак зарур.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, айни вақтда юртимизда 4 минг нафардан кўпроқ якка-ёлғиз яшаётган кексалар рўйхатга олинган. Уларга маҳалла ижтимоий ходимлари ҳар жиҳатдан кўмаклашапти. Ассистентлар бириктириш орқали уй юмушларида ёрдам берапти, керакли дори-дармон воситалари тақдим этиляпти. Қолаверса, ҳаракатланишни н оsonлаштириш учун уйда барча шароитлар ҳозирланапти.

Лекин эътибор ва меҳрдан четда қолиб кетаётган инсонлар ҳам, афсуски, бор. Қамровни янада кенгайтиришда кўнгилчиларни кенг-роқ жалб этиш яхши самара беради. Қолаверса, маҳаллалаларда кексалар учун шахмат, китобхонлик, қўл меҳнати ва оддий гаджетлардан фойдаланишни ўргатувчи тўғаракларни кўпайтириш керак. Шу каби машғулотлар фаолликни янада ошириш ҳамда вақтни мазмунли ўтказишга хизмат қилиши аниқ.

Мактаб ўқувчилари ва кексалар учрашувларини ташкил этиш орқали ёшларда меҳр-оқибат ҳиссини шакллантириш, кексаларнинг эса ҳаётга қизиқишини қайтариш мумкин.

Халқимиз асрлар давомида тарбия масаласига алоҳида урғу бериб келган. Бунда нурунийларнинг ҳиссаси жуда катта. Болага кичиклигидан оқ ва қорани ажратиш, муомала маданиятини ўргатиш, жамоатчилик олдида ўзини чиройли тутиш каби нозик жиҳатларни ҳеч ким бобобувилардек онгига чуқур сингдирма олмайди. Шундай экан, ўз яқинимиз, қўни-қўшнимиз ҳамда маҳалладошимиз бўлган нурунийларни ҳурмат ва иззатини ўз ўрнига қўйиш барчамизнинг зиммамиздаги инсоний бурчдир.

БИЗДАН ФАҚАТ МЕҲР ҚОЛАДИ

## Интиланганга беҳад имкон берур ҳаёт...

Бекобод туманидаги “Истиқлол” маҳалласида давлат-хусусий шериклик асосида кундузги парвариш хизмати йўлга қўйилган.

Элбек ШОЙИМКҲУЛОВ, журналист.

Айни пайтда бу ерда 18 нафар бола сифатли парвариш билан қамраб олинган. Муҳими, ҳар бир боланинг ёши, имконияти ва соғлиғидан келиб чиқиб, индивидуал режа асосида парвариш ҳамда ривожлантирувчи машғулотлар олиб борилмоқда. Ижтимоий мослашув, реабилитация уйғунлигида ташкил этилган ушбу жараён болаларнинг ҳаёт сифатини оширишга хизмат қилаёттир.

Мазкур марказ нафақат болалар, балки уларнинг ота-оналари учун ҳам кенг имкониятлар яратяпти. Хусусан, кундузги парвариш хизматига фарзандлари жалб этилган 3 нафар ота-она ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишга муваффақ бўлган. Яна 4 нафари эса ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашган.

— Болалар соғлиғи босқичма-босқич яшилланипти, — дейди кундузги парвариш хизмати тарбиячи-дефектолог Соҳиба Қайумова. — Мазкур ташаббус натижасида қилари фарзандининг парвариши билан банд бўлиб, ишлаш истагини билдирган ота-оналар эндиликда ўз касбига қайтиш, моддий ва маънавий жиҳатдан мустақкамланиш имконига эга бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, вилоятда бугунги кунга қадар 19 та кундузги парвариш хизмати ташкил этилган. Мазкур хизматлар билан 311 нафар бола қамраб олиниб, уларни қўллаб-қувватлаш учун жами 1 миллиард 846 миллион сўм субсидия маблағлари ажратилган.



Саҳифани “Mahalla” муҳбири Шаҳноза РАҲИМХҲАЕВА тайёрлади.

Бир қарашда пул ҳаётимизда унчалик катта аҳамият касб этмайдиган, шунчаки кундалик ҳаражатлар учун керакли воситадек туюлади. Ўзига тўқ ва топиш-тутиши яхши оила вакилларида худди шундай. Лекин камбағал, доимий даромад манбаига эга бўлмаган кишилар наздида моддият жуда кўп муаммоларнинг ечими бўла олади.

Зубайда ШУКУРОВА, Олот туманидаги “Эски Олот” маҳалласи ижтимоий ходими.



БУХОРО

Оддий бир ҳолатга эътиборингизни қаратмоқчиман. Айтайлик, оилада 4 нафар фарзанд бор. Эр-хотин иккиси фақатгина мавсумий ишлаб, арағ рўзғор тебратяпти. Болалар кичиклигида билинмаган бўлиши мумкин, лекин улар вояга етгач, ҳаражат янада ортади. Ҳар бирини едириб-ичириш, кийинтириш, таълим олиши учун сармоя киритиш каби масалалар кун тартибининг асосий муаммосига айланади. Аёл нолишни бошлайди. Эрак зарда қилиб, ичкиликка ружу қўяди. Болалар руҳан эзилади. Қарабсизки, оилада носоғлом муҳит юзага келади.

Шу боис бугун мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Олиб бориляётган ислохотлар йили сайин ўз самарасини кўрсатяпти. Хусусан, бизнинг маҳалламизда ҳам ишсизлар сони кескин қисқарди, оилалар фаровонлиги таъминланыпти.

Маҳалламиздаги 141 нафар ногиронлиги бўлган фуқаро билан алоҳида ёндашув асосида ишлаб келямиз. Уларнинг ҳар бири — ўзига хос олам. Қизиқиши, орзу ва мақсадлари жуда катта. Эшигини тақиллатиб борар эканман, хурсандлигидан ичига сиғмай кетади. Хонадонларга доим бирор янгилик билан киришга ҳаракат қиламан. Одамлар ҳам “еттилик” ходимларидан нимадир кутишга ўрганиб қолган.

Баъзан моддий ёрдам бериш ёки фуқарони ишга жойлаштиришнинг ўзи етарли бўлмаслиги мумкин. Шу боис доим кўрсатилган хизматнинг натижаси билан қизиқаман. Бир оила ўзини тўлиқ тиклаб олиши, муҳтожликдан фаровонликка ўтиши учун баъзан йиллар талаб этилади.

Маҳалладошимиз Бозоргул буви Ҳошимова тўрт нафар фарзандни вояга етказган фидойи она. Унинг кенжа қизи ногиронлиги бўлган шахс сифатида рўйхатга олинган. Бугунги кунда у ҳам фарзанд тарбияламоқда.

Ўрганишлардан кейин хонадон вакиллари Ижтимоий реестрга киритдик. Сабина Рўзимуродова бувисининг васийлигига берилди. Бугунги кунда 16 ёшли Сабина она тили ва адабиёт фанидан бепул тўғаракларга қатнашапти. Унга яратилган ушбу имконият келгусида олий таълим муассасасига кириш ва орзуларини рўёбга чиқариш йўлида муҳим қадам бўлиб хизмат қилади.

Фаолиятим давомидаги ҳар бир ижобий натижа мени янада кўпроқ ҳаракат қилишга ундайди. Ижтимоий ходимликни ўз тақдир йўлим, деб билиб, инсонларга ёрдам бериш учун барча фидокорликка тайёрман.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Гулсара ХАЙРИЕВА, Фарғона вилояти:

— Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловлари қайси ҳолларда тўхтатилади? Нафақа давом этиши учун нима қилиш керак? Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот бера оласизми?

Хуснидаҳон МАДАМИНОВА, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Фарғона вилояти бошқармаси етакчи мутахассиси:

— Амалдаги тартибга кўра, “Камбағал оила” тоифасига киритилган оилаларга 2026 йилнинг февраль ойида тайинланган болалар нафақаси ҳамда моддий ёрдам тўловларининг 6 ойлик муддати август ойида якунланади. Ушбу тўлов ажратилиши давом этиши ёки тўхтатилишида оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари бандлиги асосий мезон ҳисобланади.

Агар оиладаги меҳнатга лаёқатли шахс охириги 6 ой давомида расмий ишламаган ёки Бандлик хизматлари таклиф қилган мос ишни 2 марта ёки ундан кўп рад этган бўлса, нафақа тўлови кейинги ойдан (яъни августдан) бошлаб тўхтатилади.

## Болалар нафақаси қачон тўхтатилади?



Тўловларнинг узлуксизлигини таъминлаш учун оиладаги меҳнатга лаёқатли шахс қуйидагилардан бири орқали расмий бандлигини кўрсатиши зарур:

- ☑ расмий ишга жойлашиб (меҳнат шартномаси асосида);
- ☑ якка тартибдаги тадбиркор (ЯТТ) сифатида рўйхатдан ўтиб, солиқларни ўз вақтида тўлаш;
- ☑ ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиб, белгиланган ижтимоий солиқни тўлиқ тўлаш.





ҚҚСнинг “ноль” ставкasi қўлланиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рўйхати белгиланди.



Паррандачилик хўжаликлари ҳамда “тайёр бизнес” лойиҳаларни молиялаштириш учун 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб, КРЕДИТЛАР 10 ФОИЗ СТАВКАДА АЖРАТИЛАДИ.



Эндиликда давлат қимматли қўғозларини таъминотга қўйган ҳолда КРИПТО-АКТИВЛАРНИ ЧИҚАРИШ мумкин бўлади.

2026 йил  
25 июль,  
ШАНБА

Mahalla №59

7

## “ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ХОТИРЖАМ ҲАЁТ ВА ФАРОВОН ЖАМИЯТ ГАРОВИ”

### қулайлик

## Мерос ёки ҳадя қилинган уйни сотиш осонлашади

Президентимизнинг “Аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларини тақомиллаштириш ҳамда фуқаролар учун қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, уй-жойни мерос ёки яқин қариндошидан ҳадя сифатида олган шахслар учун 36 ойлик муддатни ҳисоблаш тартиби ўзгаради.

Хозирги тартиб 2027 йил 1 январгача амал қилади. Унга кўра, 36 ойлик муддат уй-жой янги мулкдор номига давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ҳисобланади. Агар уй шу муддат тугамасдан сотилса, сотувдан олинган даромаддан жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи туланади.

2027 йил 1 январдан эса янги тартиб жорий этилади. Энди 36 ойлик муддат мерос қолдирувчи ёки ҳадя қилувчининг ушбу уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган санадан ҳисобланади. Яъни аввалги мулкдорнинг уйга эгалик қилган даври ҳам янги мулкдор учун инобатга олинadi.

Масалан, ота уйни 2023 йил 10 мартда ўз номига расмийлаштириб, 2026 йил июнда қизига ҳадя қилган бўлса, янги тартибга кўра, 36 ойлик муддат 2023 йил 10 мартдан ҳисобланади. Демак, бу муддат 2026 йил 10 мартда тугаган ҳисобланади ва қизи уйни 2027 йилда сотса, солиқ туламайди.



### СОЛИҚЧИ — Кўмакчи

## Баъзан эшик ортида бой берилган имкониятлар ётади

Маҳаллага чиққанимда қўлимдаги рўйхатдан кўра, одамларнинг турмушига кўпроқ эътибор бераман. Чунки баъзан солиқ ҳисоботида муаммо кўринмайди, аммо хонадон эшиги ортида бутун бир оиланинг бой берган имконияти яширинган бўлади.

Бобур РАЗЗОҚОВ,  
Пахтачи туманидаги “Кўрпа”, “Сардоба”, “Қувондик”, “Ёбу” маҳаллалари солиқ инспектори.



### МЕНДА САВОЛ БОР...

Ғофур САТТОРОВ. Фарғона вилояти:

— Мен ипотека кредити асосида уй-жой сотиб олганман ва даромад солиғи бўйича имтиёздан фойдаланмоқчиман. Эшитишимча, 2027 йил 1 январдан бошлаб, ипотека кредити бўйича солиқ имтиёзлари “проактив” тартибда қўлланилар экан. Шу тўғрими?

## ИПОТЕКА БЎЙИЧА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ ҚАНДАЙ ҚўЛЛАНИЛАДИ?



Мақсуд МАМАТХОНОВ,  
Фарғона вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи:

— 2027 йил 1 январдан бошлаб, жисмоний шахсларнинг ипотека кредитларини қоплашга йўналтирилган даромадлари бўйича Солиқ кодексининг 378-моддасида назарда тутилган солиқ имтиёзлари “проактив” тартибда қўлланилади.

Мазкур тартибга кўра, солиқ имтиёзидан фойдаланишингиз учун сиздан солиқ декларациясини тақдим этиш талаб этилмайди. Имтиёзни қўллаш учун зарур бўлган маълумотлар тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда олинади. Ушбу маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун уларни тақдим этган тегишли вазирлик ва идоралар масъул ҳисобланади.

Шунингдек, солиқ имтиёзи қўлланилиши натижасида сизнинг фойдангизга ортиқча ҳисобланган сумма юзага келган тақдирда, ушбу сумма сизнинг мурожаатингиз асосида 10 иш кuni ичида белгиланган тартибда қайтарилади.



Шундай хонадонлардан бирига маҳалла фаоллари бошлаб кирган эди. У ерда икки фарзанди билан яшайдиган аёл тикувчилик қилиб кун кўрар, лекин иши қўтилгандек ривожланмаётганини айтишди. Ҳовли четидаги кичик устахонада бир нечта тайёр либос илиниб турарди. Қарашдан буюртма камдек туюларди. Сўхбат давомида эса ҳақиқий муаммо аста-секин очилди.

Аёلнинг айтишича, буюртма етарли. Муаммо мижозда эмас, тўловда эди. Унинг асосий мижозлари ижтимоий тармоқлар орқали буюртма берарди. Лекин уларнинг аксарияти тўловни карта орқали амалга оширишни хоҳлар, аёл эса расмий фаолият юритмагани учун тадбиркорлик ҳисобрақами ва тўлов қабул қилиш имкониятига эга эмас эди. Нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш эса ҳам харидор, ҳам сотувчи учун ноқулайлик туддирар, оқибатда буюртмаларнинг бир қисми бекор бўларди.

Шунинг ўзи қанча зарар келтираётганини бирга ҳисоблаб кўрдик. Ҳафтасига ўртача 10-15 та буюртма айнан шу сабаб бекор бўлар экан. Бир қарашда ҳар кuni йўқотилаётган 80-100 минг сўм ўнчалик катта маблағдек туюлмади. Лекин бир ойлик ҳисоб қилинганда, бекор бўлган буюртмалар сабаб 4-5 миллион сўм, бир йилда эса қарийб 60 миллион сўм даромад йўқотилаётгани маълум бўлди. Энг ачинарлиси, бу зарар меҳнат камлигидан эмас, фаолиятни расмийлаштирмагани учун юзага келаётган эди.



Эътиборлиси, бу пул солиқ туфайли эмас, билим етишмагани учун йўқотилаётган эди. Кўпчилик солиқчи маҳаллага жарима ёзиш ёки қарздорни излаш учун чиқади, деб ўйлайди. Аслида, биз кўп ҳолатда инсон нега даромадини ошира олмаётганини тушунишга ҳаракат қиламиз. Чунки норасмий ишлаётган одамнинг ўзи ҳам кўп имкониятлардан маҳрум бўлади. Банк хизматлари, кредит, давлат дастурлари, электрон тўловлар — буларнинг барчаси ундан узоклашиб кетади.



Саҳифани  
“Mahalla” муҳбири  
Шаҳноза ХАЛИЛОВА  
тайёрлади.

### ТАҲЛИЛ

6 фоизлик ҚҚС жорий этилганидан кейин кўплаб тадбиркорларда бир хил фикр пайдо бўлди: “ставка” икки барабар пасайган экан, демак, солиқ ҳам камаяди. Бир қарашда бу хулоса мантикли туюлади. Аммо солиқ тизимида энг хавфли қарорлар айнан биринчи таассуротга таяниб қабул қилинади.

## ҚҚС — паст “ставка” ҳар доим ҳам кам солиқ дегани эмас

Отабек БАКИРОВ,  
иқтисодчи.

Асосий савол 6 фоиз қанча эканида эмас. Асосий савол, бу — 6 фоиз қайси тадбиркорлик модели учун яратилганида. Айниқса, савдо билан шуғулланувчилар бу ерда шошилмасликлари керак. Чунки уларнинг бизнеси товар сотиб олиш, унинг таннархи, кирувчи ҚҚС ва устама ўртасидаги мувозанатга қўрилган. Ана шу занжирнинг битта бўғини ўзгарса, ташқи томондан арзон кўринган солиқ ичида қимматга тушиши мумкин.

Масалан, савдо корхонаси маҳсулотни нисбатан кичик устама билан сотади. Амалда бозорда 15-20 фоиз устама билан ишлайдиганлар жуда кўп. Стандарт ҚҚС тизимида улар сотиб олинган товар учун тўланган ҚҚСни ҳисобга олади ва бюджетга фақат фарқини тўлайди. Шу билан бирга, фойда солиғи ҳам ҳақиқий молиявий натижага қараб ҳисобланади.

6 фоизлик тизимда эса манзара бутунлай ўзгаради. Бу ерда кирувчи ҚҚСни чегириш имконияти йўқ. Демак, маҳсулотни сотиб олишда тўланган солиқ таннархнинг бир қисмига айланади. Натижада ҳисоб-китобда “ставка” кичик кўринса-да, корхонадан чиқадиган умумий маблағ айрим ҳолатларда аксинча кўпайиши мумкин. Мутахассислар бежизга 28,6 фоиз устама ҳақида гапирмаяпти. Чунки шу чегарадан паст устама билан ишлайдиган савдо корхоналари учун 6 фоизлик ҚҚС ҳар доим ҳам фойдали бўлавермайди.

Масалан, товарни арзонроқ устама билан сотсангиз, сотиб олганингизда тўлаган ҚҚСни ҳисобдан чиқара олмайсиз. Натижада “ставка” 6 фоиз бўлса ҳам, бюджетга тўлайдиган умумий маблағингиз айрим ҳолларда аввалгидан кўпроқ чиқиши мумкин. Шунинг учун “ҳамма 6 фоизга ўтапти экан”, деган қараш билан эмас, ўзингизнинг рақамларингизни ҳисоблаб кўриб қарор қабул қилиш тўғри бўлади.



Энг тўғри йўл — тахмин билан эмас, рақамлар билан қарор қабул қилиш. Бунинг учун корхонанинг охириги бир неча ойлик молиявий кўрсаткичларини икки хил солиқ тартиби бўйича қайта ҳисоблаб чиқиш кифоя. Қайси ҳисобда корхонада кўпроқ маблағ қолса, ҳақиқий фойда ўша ерда. Солиқ тартиби ҳам айнан шу асосда танланиши керак.

Бу ерда яна бир муҳим жиҳат бор. Кўпчилик фақат ҚҚСга қараб қарор чиқаради. Аслида эса солиқ юкини бир бутун тизим сифатида баҳолаш лозим. Стандарт тартибда иш ҳақи, ижара, амортизация ва бошқа харажатлар фойда солиғи ҳисобида инобатга олинади. Бу эса умумий солиқ юкини камайтириши мумкин. Агар фақат “ставка”га қаралса, бу имконият кўздан қочади.

Шу билан бирга, 6 фоизлик ҚҚСни самарасиз, деб баҳолаш ҳам тўғри эмас. Аксинча, айрим соҳалар учун у жуда қулай ечим. Масалан, консалтинг, ахборот технологиялари, маркетинг, дизайн, таълим ёки бошқа интеллектуал хизматлар билан шуғулланувчи компанияларда асосий ресурс товар эмас, инсон меҳнати ҳисобланади. Улар катта ҳажмда товар сотиб олмади, демак, кирувчи ҚҚСни чегириш аҳтимоли ҳам деярли бўлмади. Ана шундай бизнесларда 6 фоизлик “ставка” ҳақиқатан ҳам солиқ юкини енгиллаштириши мумкин.

Хулоса оддий: солиқ тизимида “ҳамма учун энг яхши вариант”, деган тушунча йўқ. Бир корхона учун тежамкор бўлган тартиб бошқаси учун қўшимча харажатга айланиши мумкин. Шунинг учун қарорни қонуннинг сарлавҳасига эмас, ўз бизнесингизнинг рақамларига қараб қабул қилиш муҳим. Солиқ “ставка”си эмас, яқунда корхона ҳисобида қанча маблағ қолиши энг асосий мезондир.





Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида **МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ МИНТАҚАВИЙ ЎЗИГА ХОСЛИГИ** масалалари муҳокама қилинди.



**БИОМЕТРИК ПАСПОРТ ХАВФСИЗЛИГИНИ** таъминловчи **Очиқ калитлар инфратузилмаси** ва **Очиқ калитлар реестри** муваффақиятли янгиланди.



**“АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ** содир этиладиган **хуқуқбузарликларга қарши курашиш тўғрисида”**ги қонун ишлаб чиқилди.

# “МАҲАЛЛА ТИНЧ ВА АҲИЛ БЎЛСА, ЖАМИЯТ ТИНЧ, ҲАМЖИҲАТ БЎЛАДИ”

ЖИНОЯТНИ ҚАНДАЙ ЖИЛОВЛАДИНГИЗ?

## “Натижалар рақамларда эмас, ҲАЁТДА АКС ЭТЯПТИ”

Тонг саҳарда қуёш тоғлар ортидан бўй кўрсатаркан, Нуробод туманидаги машҳур “Ҳазрати Довуд” зиёратгоҳи атрофида аллақачон ҳаёт “қайнаётган” бўлади. Маҳаллий ва хорижий зиёратчиларнинг қадам товуши тоғ ҳавосининг мусаффо шивирига қоришиб кетади. Ҳар гал хизмат либосимни кийиб, ойнага боққанимда болалигимни эслайман.

Ҳабибулло РЎЗИЕВ,  
Нуробод туманидаги  
“Оқсой” маҳалласи  
профилактика катта  
инспектори.

“Улғайсам, албатта, мард ходим бўламан!”, деган қатъий қарор мени мақсад сари етаклади. Бугун профилактика катта инспектори лавозимида халқ хизматидаман.

Маҳаллаимиз “яшил” тоифада, жиноятчиликдан холи ҳудуд ҳисобланамиз. Бу хотиржамлик ўз-ўзидан келгани йўқ, Юқорида

таъкидлаганимдек, ҳудудимизда минглаб инсонларнинг қадамжоси бўлган муқаддас “Ҳазрати Довуд” зиёратгоҳи жойлашган. Зиёратчилар оқими катта бўлгани боис, тартиб-интизомни сақлаш, уларнинг эмин-эркин ҳаракатланишини таъминлаш алоҳида сергаклик ва масъулият талаб этади. Ҳар бир жараёни катъий назоратга олганмиз. Мен учун қонунга таяниб иш юритиш, адолат тамойилларига содиқ қолиш ва одамлар билан муомала маданиятига катъий риоя қилиш — бош мезондир.



**Замон шиддати, янгиликларнинг кириб келиши иш усулларимизни ўзгартириш заруратини келтириб чиқаряпти. Шу боис хизмат фаолиятимиз самарадорлигини таъминлашда замонавий рақамли технологиялардан унумли фойдаланяпмиз.**

Жиноятчилик фақат кўчада эмас, балки одамларнинг чўнта-

гидаги телефон ичига — интернет тармоғига ҳам қўчди. Шу боис, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида урғу беряпмиз. Маҳалладошларимиз, айниқса, ёшлар ва кексалар ўртасида интернет тармоғи орқали содир этилаётган фирибгарликлар, банк карталаридан пул ўғирлаш билан боғлиқ кибержиноятларга барҳам беришга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бораёпмиз. Мақсадимиз — фуқароларни виртуал тузоққа тушиб қолишдан асраш.

Ҳар оқшом зиёратгоҳ чироқлари порлаганда, маҳалла бўйлаб олиб борилаётган тунги хизматни кўздан кечирарканман, “бугун халққа, жамиятга қандай наф келтирдим?”, дея ўзимга савол берарман. Қачонки маҳалла тинч, одамлар адолатдан рози, зиёратчилар миннатдорлик билан уйига қайтаётганини кўрганимда, дилим таскин топади. Зеро, меҳнатимиз — элнинг дуоси ва осойишталиги билан қадрлидир.



ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

## “ОДАМЛАР ҲАЙИҚИБ ЭМАС, “ҳимоячим бор”, деб хотиржам яшайди”



**Ички ишлар ходимининг энг катта кучи ва қуроли, бу — унинг формаси ёки ваколати эмас, балки юксак маданияти, билими ва халққа бўлган самимий муносабатидир. Бугун соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг бош ғояси ҳам ходим ва фуқаро ўртасидаги масофани йўқотиш, ички ишлар вакилини жазоловчи эмас, балки чинакам ҳимоячи сифатида кўрсатишдан иборат.**

Шу боис кўчада хизмат олиб бораётганимизда, юзимиздаги ортиқча жиддийликдан воз кечиб, халқ билан ҳушмуомала мунсабатда бўлаяпмиз. Чунки хийбон ёки бозорларда юрган аҳолининг аксарият қисми қонунга бўйсунадиган яхши ниятли инсонлар. Улар ички ишлар ходимини кўрганда ҳайиқиши ёки чўчиши эмас, аксинча, “меннинг ҳимоячим турибди,” деб ўзини хотиржам ҳис қилиши керак. Бу яқинлик ҳаётини ва оддий ҳолатларда кўпроқ намоён бўлиши лозим.

Масалан, хизмат вазифасини бажариб турган ходимларимиз ёки отлик патрулларимиз ёнига жажжи болажонлар қизиқиш билан яқинлашиб келиши мумкин. Бундай пайтда ходим асло улардан ўзини узоқ тутмаслиги, аксинча, болажонлар билан очик чехрада суҳбатлашиши ва есталик учун суратга тушишдан бош тортмаслиги керак. Мана шундай бир дақиқалик самимий мулоқот ёки битта фотосурат ўша бола-нинг қалбида Ватанга, эл хизматига бўлган чексиз муҳаббатни уйғотади.



Саҳифани  
“Mahalla” мухбири  
Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ  
тайёрлади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда халқимизнинг тинч ва хотиржам яшаши, фарзандларимизнинг хавфсиз муҳитда таълим олиши давлатимиз сиёсатига айланди.

Шароф ўролов,  
ИИВ Жамоат хавфсизлиги  
департаменти Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси хизмати бошлиғи,  
полковник.

Қабул қилиниши қутилаётган иккита муҳим ҳужжат лойиҳаси — “Профилактика инспекторларининг мақоми тўғрисида”ги қонун ҳамда Жамоат хавфсизлиги фаолиятини янада яхшилашга қаратилган Президент қарори профилактика инспекторларининг фаолиятида мутлақо янги даврни бошлаб бермоқда. Илгари ваколат ва мажбуриятларимиз кўпроқ идоравий буйруқлар ёки вақтинчалик низомилар билан белгиланган бўлса, эндиликда махсус қонун билан мустаҳкамланмоқда. Бу қонун бизни оддий ходим эмас, балки ўз ҳудудда қонуний талаблари катъий бажариладиган тўлақонли мансабдор шахс сифатида белгилайди.

Энг муҳими, ушбу ҳужжат орқали профилактика инспекторларининг вақти ва имконияти фақат ўз хизмат вазифаларига йўналтирилади. Илгари зиммамизга бевосита фаолиятимизга боғлиқ бўлмаган 33 та ортиқча вазифа юклаб келинар эди (масалан, коммунал тўловларни йиғиш, қишлоқ ҳўжалиги ишлари ва ҳоказо). Янги қонун билан бу каби ортиқча юкламаларга бутунлай чек қўйилмоқда. Фақатгина 9 та бевосита бажариладиган асосий вазифа, 6 та бошқа идора ва тизимлар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган вазифалар қолдирилмоқда. Бу бизга бор эътиборимизни маҳалла аҳолининг хавфсизлигини таъминлашга ва ҳудудда хавф гуруҳларини аниқлаб, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратиш имконини беради.



Ушбу сон саҳифаларидаги барча мақолалар матнини мусахҳиҳ  
Феруза ФУЗАЙЛОВА ўқиди.

ЭЙ, СИЗ ОДАМЛАР, ЭССИЗ ОДАМЛАР...

## ОТА БЎЛИШНИНГ нафақат маънавий, балки ҚОНУНИЙ ТАЛАБИ ҲАМ БОР!

Тасаввур қилинг, эр-хотин ўзаро келишмовчилик ёки бошқа сабабларга кўра, маълум вақтдан буён бирга яшамаяпти. Аёл ҳомиладор. Ана шундай вазиятда, бўлажак она, гарчи ҳали фарзанди туғилмаган бўлса ҳам, турмуш ўртоғидан ҳомиладорлик даврида ўзининг таъминоти учун алимент ундириши мумкин. Чунки қонун талаби шундай.

Яқинда шу мазмундаги ишни кўриб чиқдик. Фарида Холмуродова (исм-шарифлар ўзгартирилган) судга даъво аризаси билан муружаат қилиб, жавобгар Зойирбек Рустамов билан 2025 йил октябр ойида қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қурганлигини, бироқ ҳозирда иккиси бирга яшамаяптани, айтиш вақтда ҳомиладор эканлиги сабабли меҳнат қилиш имконияти йўқлигини маълум қилган. Турмуш ўртоғи унинг таъминоти учун моддий ёрдам бермаётгани боис ҳар ойда 2 миллион сўмдан алимент ундириб беришни сўраган.

Ҳўш, бундай вазиятда қонун талаби нимадан иборат?

Оила кодексининг 117-моддасига кўра, эр-хотин бир-бирига моддий ёрдам бериши шарт. Суд иш ҳолатини батафсил ўрганиб, қонун талабларига асосан, даъвогар Фарида Холмуродованинг фойдасига жавобгардан ҳомиладорлик даври тугагунига қадар ҳар ойда 500 минг сўм миқдорда алимент ундиришни лозим деб топди.

Жасуриддин АБДУСАТТОРОВ,  
фуқаролик ишлари бўйича  
Ғаллаорол туманлараро суди раиси.



Mahalla

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

Бош муҳаррир:  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Дизайнерлар:  
Лазиз Мейликов  
Шерзод Маманов

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 7 майда №271590 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «MAHALLA DAVRIY NASHRLARI» МЧЖ

Таҳририят манзили:  
100192, Тошкент шаҳри  
Мустақиллик шох кўчаси 59-уй.  
Телефонлар:  
71 233-39-89, 71 233-10-92.  
Нашр кўрсаткичи: 148.

«Шарқ» НМАК  
босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили:  
Тошкент шаҳри  
Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Газета таҳририят компьютер  
марказида саҳифаланди ва  
офсет усулида босилди.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т.  
8 324 нусхада чоп этилди.  
Буюртма №: Г-720

